

# ХОНАКИ ТОВУҚСИМОНЛАР ВА ЁВВОЙИ ҚУШЛАР УЧУН УМУМИЙ БЎЛГАН ГЕЛЬМИНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЦИРКУЛЯЦИЯСИ

**Тангиров Хасан Тоштемирович - Термиз давлат университети, доцент**

**Annotatsiya.** O'zbek tilida: Maqolada O'zbekiston hududida yashovchi uy va yovvoyi qushlarning gelmintofloasi o'rganilgan. Gelmintlarning turlari, tarqalish usullari va ularning qishloq xo'jalik parrandachilikka salbiy ta'siri haqida batafsil ma'lumot berilgan.

**Kalit so'zlar:** Gelmintlar, yovvoyi qushlar, parrandachilik, ekologiya, parazitlar, migratsiya, gelmintoz.

**Аннотация.** В статье изучена гельминтофауна диких и домашних птиц Узбекистана. Рассмотрены виды гельминтов, пути их распространения и отрицательное влияние на птицеводческие хозяйства.

**Ключевые слова:** гельминты, дикие птицы, птицеводство, экология, паразиты, миграция, гельминтоз.

## COMMON HELMINTHS OF DOMESTIC GALLIFORMS AND WILD BIRDS AND THEIR CIRCULATION

**Tangirov Hassan Toshtemirovich - Termiz State University, dotsent**

**Abstract:** The article studies the helminthofauna of wild and domestic birds in Uzbekistan. It highlights helminth species, their transmission routes, and their adverse impact on poultry farming.

**Keywords:** helminths, wild birds, poultry, ecology, parasites, migration, helminthiasis.

Ўзбекистон қушлар фаунаси бой бўлиб, уларнинг 460 дан зиёд тури кайд қилинган. Бу турлар хилма-хил экологик шароитларда яшашга мослашган бўлиб, ўз навбатида, уларда учрайдиган гельминтларнинг турлар таркиби ҳам фарқ қилади. Қушлар бир географик ареалдан бошқа географик ареалларга учиб бориши, яъни экологик мухитнинг ўзгариши қушларнинг

физиологик ҳолатига таъсир этибгина қолмасдан, балки уларнинг гельминтофаунасининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлади.

Гельминтофаунанинг характерига қушлар миграциясининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда уларнинг экологик гуруҳларига кўра: ўтроқ ва келиб-кетадиган қушларга бўлинади. Кўпгина ёввойи қушлар ўз овқатланиш жойини ўзгартириш натижасида гельминтларни тарқатадиган ёки оралик ташувчи вазифасини бажаради. Улар кўпгина паррандачилик хўжаликлари ва фермер хўжаликларига хонаки паррандаларга юқумли гельминтозларни (аскаридоз, гетеракидоз, дисфаринксоз, райетиноз, хоанотениоз, полиморфоз) юқтириш манбаларини ҳосил қилади.

Ўз тадқиқотларимиз ва илмий манбаларга асосланиб, Ўзбекистонда учрайдиган ёввойи қушлар ва уй паррандаларида 53 тур гельминтлар алмашилиши аниқланди, шундан 23 тур гельминтлар хафли гельминтоз касалликларни келтириб чиқаради ва паррандачилик хўжаликларга катта иқтисодий зарар келтиради.

Хонаки паррандалар ва ёввойи қушлар учун умумий бўлган гельминт турларидан товукларда 23 тур, ўрдакларда 33 тур, куркаларда 6 тур гельминтлар учраши қайд этилган. Ёввойи қушлар билан паррандалар орасида умумий бўлган гельминтларни тарқатишда ёввойи қушлардан: майна – *Acridothtrix tristis*, мусича – *Streptopelia senegalensis*, ғуррак – *Streptopelia turtuz*, чумчуқ – *Passer domesticus* Passyr. *montanus* ва бошқалар иштирок этади. Гельминтологик тадқиқотлар натижасида алоҳида тур қушларда умумий гельминтлар билан зарарланиш 42-52% ни ташкил этди. Бунинг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат:

оралиқ хўжайинларнинг учраш даражасининг юқорилиги;

гельминтларнинг тухуми ва личинкаси билан зарарланиш нафақат уя қуриш, кўпайиш даври, балки учиб ўтиш вақтида ҳам кузатилади.

Ўзбекистон шароитида ўтроқ ҳолда яшовчи қушларда, товуксимон қушлар учун хос бўлган *Raillietina*, *Ascaridia*, *Heterakis* авлодларига

кирадиган гельминт турлари характерлидир. Бу гельминт турлари паррандачилик хўжаликларда райетениоз, аскаридоз, гетеракидоз касалликларини тарқатишда ва зарарланишида бевосита иштирок этади.

Тадкикотлар натижасида шу нарса кузатилдики, синантроп қушлардан майна (*Acridothris tristis*) 4 тур, уй паррандалари ва ёввойи товуксимонларда учрайдиган гельминтларнинг асосий хўжайини ҳисобланади. Чуғурчуқ 2 та, қарға 3 та, ёввойи ўрдак 7 та, ғуррак ва мусича 2 та гельминтларнинг тарқалишида иштирок этди.

Хонаки ва ёввойи қушлар умумий гельминтларининг алмашилиш қонуниятлари, паразитофаунанинг шаклланиш йўллари турли хил биоценозда аниқланди, паразитларнинг табиатда табиий манбаларини бошқариш имкониятини беради. Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, паразит чувалчангларнинг 8 та юқиш йўли циркуляциясини изоҳлаб берамиз:

Қуш (қирғовуллар) → қуруқлик қушлари. Ушбу йўл билан гельминтларнинг қуйидаги оилалари *Ascarididae* (*Ascaridia galli*) ва *Heterakidae* (*Heterakis gallinaium*) турлари ривожланиш цикли кузатилди.

Қуш (ўрдаклар) → сув муҳити → қуш. Бу йўл билан гельминтларнинг қуйидаги оилалари: *Echinostomatidae* (*Echinostoma revolutum*), *Anisakidae* (*Gangulaterakis*) ривожланиш цикли кузатилди.

Қуш (чуғурчуқлар, тўқимачилар, қарғасимонлар) → қуруқлик муҳити → оралик хўжайин (ёмғир чувалчанги, ҳашаротлар, кемирувчилар) → қуш. Бу йўл билан гельминтларнинг *Davainedae* (*Raillietina echinobotrida*, *Skrjabinia cesticillus*), *Dilepididae* (*Choanotaenia infundibulum*) ва *Hymenolepididae* (*Echinolepis cariosa*) оилалари ривожланиши қайд этилди.

Қуш (ўрдаклар, қоравойлар оиласи) → сув муҳити → оралик хўжайин (сув қисқичбақасимонлари) → қуш. Бу йўл билан гельминтларнинг *Asuariidae* (*Dispharynx nasuta*) ва *Tetrameridae* (*Tetrameres fissispina*) оилалари ривожланади.

Куш (товуқсимонлар) қуруқлик муҳити → резервуар хўжайин (ёмғир чувалчанги) → куш. Ушбу ривожланиш цикли орқали Capillariidae (*Eucoleus annulatus*) гельминт оиласи ривожланади.

Куш (товуқлар, қирғовуллар, чуғурчуклар) → қуруқлик → муҳити биринчи оралик хўжайин (захкаш) → куш → иккинчи оралик хўжайин (хашаротлар) → куш. Ушбу ривожланиш цикли орқали Prostogonimidae (*Prostogonimus ovatus*) оиласига мансуб гельминтлар ривожланади.

Куш (ўрдаклар, чайкалар, чил) → сув муҳити → оралик хўжайин (моллюска) → қўшимча хўжайин → куш. Бу ривожланиш цикли орқали гельминтларнинг Echinostomatidae (*Echinostoma revolutum*, *Ech. phasianina*, *Ech. robustum*) оилалари ривожланади.

Куш (ўрдаклар оиласи) → сув муҳити → оралик хўжайин (қисқичбақалар) → резервуар хўжайин (балиқлар) → куш. Ушбу ривожланиш цикли орқали Tetrameriidae (*Tetrameres fissispina*) оиласи гельминтлари ривожланади.

Товуқсимон қушлар асосан донхўр қушлар ҳисобланиб, уя қуриш, бола очиш ва полопонларини озиклантириш вақтида турли хашаротлар ва уларнинг личинкалари билан озикланиши уларнинг зарарланиш даражасини оширади. Товуқсимонларнинг ҳазм каналида паразитлик қиладиган гельминтларнинг сон ва сифат жиҳатидан миқдорига озиқа таркиби муҳим роль ўйнайди. Гельминтологик текширилган ёввойи товуқсимон қушлар (қаклик, бедана, қирғовул) нинг гельминтофаунаси таркиби био ва геогельминтлар бўлиб, паразит чувалчангларнинг 3 синфига таалуқлидир. Уларнинг циркуляцияси биоценодик алоқаларнинг амалга ошиши билан изоҳланади.

#### Адабиётлар

1 Тангирова Н.Х , Тангиров Х.Т. Узбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги товуқсимонлар (*Calliformis*) нинг гельминто фаунаси (монография) Термиз, 2021

2. Khasan Tangirov Nodira Tangirova “Biodiversity of Birds Helminths in nature” anol

Transformed Biocenoses of Uzbekistan. Fornal of Phormacedtical Negative Rusults volume 13 Special Issue 8.2022. st. 2405-2406.

3. Тангиров Х.Т. Экологический мониторинг гельминтов массовых видов диких и домашних птиц Узбекистана. Автореферат кандидатской диссертации. Тошкент. 1993

4 N.Tangirova, Khasan Tangirov, Kalandar Saparov “Molecular genetic of helminthis of southern Uzbekistan Chiskens (Calliformes) Forurnal of Pharmasentical Negative Rusults volume 13 special Issue 8. 2022. St 2405-2406